

№ 12-01/150
03.10.2023й.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Коррупцияга қарши курашиш
вилоят кенгаши раиси

Н.Турсунов

**Коррупцияга қарши курашиш Навоий вилояти кенгаши мажлисининг
БАЁННОМАСИ**

2023 йил 27 сентябрь

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи:

Н.Турсунов - кенгаш раиси, вилоят ҳокими

Иштирок этувчилар:

А.Бурханов - Ўзбекистон Республикаси
Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
директори, **Б.Юнусов** - Ўзбекистон
Республикаси Ҳисоб палатаси бош
инспектори, коррупцияга қарши курашиш
вилоят ҳудудий Кенгаши аъзолари, тегишли
вилоят бошқармалари раҳбарлари, нодавлат
нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот
воситалари вакиллари

КУН ТАРТИБИ:

1. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида очиклик бўйича 2022 йилда амалга оширилган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиклик индексининг натижалари тўғрисида.

2. Коррупцияга қарши курашиш вилоят ҳудудий кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти самарадорлиги ҳамда ҳудудий кенгашларнинг фаолиятини рейтинг баҳолаш натижалари тўғрисида.

3. Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлиги тўғрисида.

(Н.Турсунов, А.Бурханов, Б.Юнусов, Э.Авезов, Б.Ахмедов, Ф.Хасанов, Ж.Ҳамроев, Н.Турсунов)

Йиғилишни вилоят ҳокими, ҳудудий кенгаш раиси Н.Турсунов очиб, кун тартибидаги масалалар билан йиғилиш иштирокчиларини таништириб ўтди.

Раислик қилувчи томонидан сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишга оид қабул қилинган Қонун, Президент Фармон ва қарорларида белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси натижасида коррупцияга қарши курашиш борасидаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги янада кенгайиб, самарали механизмлар амалиётга татбиқ этилаётганлиги таъкидланди.

Шундан сўнг сўз, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А.Бурхановга берилди.

А.Бурханов агентлик томонидан ҳудудларда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар доимий таҳлил қилиб борилиши, шу жумладан, турли рейтинглар орқали ҳудудлар фаолияти баҳоланиши тўғрисида тўхтаб ўтди. Жумладан;

Навоий вилоятининг ушбу рейтинглардаги кўрсаткичи айримларида **ижобий** баҳоланса, айримларида **қониқарсиз** ёки пастроқ ўринларни эгалламоқда.

Агентлик томонидан ҳар чоракда юритиладиган ҳудудлар кесимида коррупция тарқалганлик даражаси рейтинги бўйича Республикада **13-ўрин** билан коррупция даражаси паст бўлган “яшил” ҳудудлар тоифасига киритилган.

Қуйидаги рейтингларда эса вилоят кўрсаткичлари **“қониқарсиз”** ёки пастки ўринларни эгалламоқда. Хусусан,

- Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги рейтингида 100 баллдан **40 балл** билан **“қониқарсиз”**;
- Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик индексида 100 баллдан **62,2 балл** билан **“сарик”**;
- Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаш фаолияти рейтинги бўйича 100 баллдан **49,5 балл** билан республикада **7 ўрин**;

Юқоридаги рейтинг натижаларидан кўриш мумкинки вилоятда коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ҳамда мансабдор шахсларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш лозим.

Вилоятнинг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасидаги айрим салбий кўрсаткичлари:

Биринчидан, Вилоятда коррупцияга оид жиноятлар сони йилдан йилга ошиб бормоқда.

Хусусан, вилоят бўйича 2021 йилда **228 нафар** шахс, 2022 йилда **311 нафар** шахс коррупцияга оид жиноят содир этганлик учун судланган бўлиб, жавобгарликка тортилган шахслар сони **83 тага** ёки **36 фоизга** ортган.

2023 йилнинг ўтган 8 ойида жами **85 та** коррупцияга оид жиноят ишлари кўзғатилиб, шундан **129 нафар** шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган.

52 нафар турли даражадаги мансабдор шахслар коррупцион жиноят содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган. Уларнинг **11 нафари** вилоят ва **41 нафари** туман - шаҳар даражасидаги давлат идоралари ходимлари ҳисобланади.

Жавобгарликка тортилганларнинг **32 нафари** ўзганинг мулкини ўзлаштириш (167-модда), **10 нафари** пора беришга далолат қилган ҳолда фирибгарлик (168-модда), **4 нафари** пора олиш (210-модда), **5 нафари** мансаб ваколатларидан фойдаланиш (205-модда) ва **5 нафари** пора олиш-беришда воситачилик қилиш (212-модда) жиноятлари учун жавобгар бўлган.

Вилоятда содир этилган коррупцион жиноятлар натижасида давлат бюджетига **37 млрд.** сўмдан ортиқ моддий зарар етказилган бўлиб, терговда

26 млрд. сўми ундирилиши таъминланган.

Коррупцияга оид **энг кўп** жиноятлар Навоий шаҳри (30), Хатирчи (23), Навбахор (19), Қизилтепа тумани (19) ва Кармана (13) туманларида содир этилган.

Давлат молиявий назорат органлари томонидан **2023 йил 8 ойи** давомида вилоятдаги **107 та** объектда назорат тадбирлари ўтказилганда, уларнинг **74 тасида** ёки **73 фоизида 14 млрд. сўмлик** бюджет маблағларини мақсадли сарфлаш билан боғлиқ молиявий хато ва камчиликлар аниқланган.

2023 йил биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва Халқ қабулхоналарига Навоий вилояти аҳолисидан келиб тушган мурожаатлар таҳлил қилинганда, 100 минг аҳолига нисбатан **17 та** коррупция билан боғлиқ мурожаатлар тўғри келган бўлиб, ушбу натижа Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятидан кейинги республикадаги учинчи **энг салбий** кўрсаткич ҳисобланади.

Иккинчидан, Вилоят ҳокимлиги Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги рейтингда **40 балл** билан **“қониқарсиз”** баҳоланиб, давлат ҳокимияти органлари **энг паст** кўрсаткич қайд этган **4 та** ҳокимликдан бири бўлмоқда.

Учинчидан, Давлат органлари ва ташкилотларида очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган **Очиқлик индексида** Навоий вилояти ҳокимлиги **“сарик”** тоифада қайд этилган.

Баҳолаш натижаларига кўра, Навоий вилояти ҳокимлиги жами **63,6 балл** (максимал 100 баллдан) билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кесимида **8-ўринни** эгаллаган.

Ҳудуддаги **11 та** туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳали амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар мавжуд.

Мисол учун, Конимех туман ҳокимлигининг расмий веб-сайти бугунги кун ҳолатига кўра ишчи ҳолатида эмас. **Учқудук, Томди** туманлари ҳамда **Гозғон ва Зарафшон** шаҳар ҳокимликлари томонидан очиқ маълумотлар ўз вақтида янгилаб борилмаган. Эътиборлиси, **Конимех, Томди** туманлари ҳокимликлари 2022 йил давомида ҳам қониқарсиз натижалар қайд этишган.

Шунингдек, вазирлик ва идораларнинг Навоий вилоят ҳудудий бошқармалари фаолиятида ҳам очиқликни таъминлаш соҳасида муаммолар сақланиб қолмоқда.

Мисол учун, ўрганилган **17 та** вазирлик ва идораларининг Навоий вилоятидаги ҳудудий бошқармаларидан атиги **5 таси** (*Қишлоқ хўжалиги, Адлия, Маданият, Соғлиқни сақлаш, Автомобил йўллари ва мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари*) Интернет тармоғида расмий веб-сайт ташкил этган.

Халқ депутатлари кенгаши сессияларини телеканаллар, шунингдек, Интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатилиши мониторинг қилинганда:

Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари **73 та** сессиядан атиги **21 таси** ёки **29 фоизи** жонли эфирга узатилган, қолган **52 таси (71%)** жонли эфирга узатилмаган.

Тўртинчидан, Вилоятдаги давлат ташкилотлари томонидан давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш ҳолатлари бюджет маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши ва коррупция хавфини юзага келтирмоқда.

Хусусан, Агентлик томонидан ўтказилган масофавий мониторинг давомида вилоятдаги давлат буюртмачилари томонидан давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузиш ҳолатлари юзасидан 2022 йилда **11 та**, 2023 йилнинг 8 ойида **9 та тақдимнома** киритилган.

2022 йилда Навоий вилояти Халқ таълими бошқармаси томонидан **2,96 млрд.** сўмлик 822 та компьютер жиҳозларини сотиб олиш бўйича давлат харидларида ғолиб иштирокчилар томонидан шартномада белгиланган талабларга жавоб бермайдиган маҳсулотлар етказиб берилгани ҳолда **585,3 млн.** сўм бюджет маблағлари талон-торож қилинганлиги аниқланган.

Ушбу ҳолат бўйича Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Навоий вилоят бошқармаси томонидан 2022 йил 30 августда Навоий вилоят Халқ таълими бошқармаси, мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Ўзбекистон давлат филармонияси Навоий вилоят бўлинмаси буюртмачилигида 2022-2023 йил ўтган даврида **73 та** ҳолатда **23 млн** сўмлик давлат харидларда бўлинма бухгалтери М.Жуманов ўз хизмат вазифаларини бажариш давомида бир вақтнинг ўзида “СOWOPK” хусусий корхонасининг бош ҳисобчиси сифатида ишлаб келиб манфаатлар тўқнашувига йўл қўйганлиги аниқланган.

Навоий вилояти Кармана тумани тиббиёт бирлашмаси буюртмачилигида 2022-2023 йил ўтган даврида жами **78 та** ҳолатда **142,2 млн** сўмлик давлат харидларида тиббиёт бирлашмаси давлат харидлари бўйича мутахассиси ва иқтисодчиси Умаров Амриддин ва бош ҳисобчи Умаров Абдулла ўз хизмат вазифаларини бажариш давомида яқин қариндоши раҳбарлиги ва таъсисчилигида бўлган “**Karmana City Ok**” ХК билан тузилган давлат харидига оид шартномаларда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилганлиги аниқланган.

Шу каби, “Навоий йўллардан мунтазам фойдаланиш” унитар корхонасида **300 млн** сўмлик, Навоий давлат педагогика институти ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказида **5,5 млн** сўмлик, Навоий вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида **43 млн** сўмлик, Нурота туман 1-сон касб-хунар мактабида **311 млн** сўмлик, “**Қизилқум фосфорит комплекси**” МЧЖда **7,1 млрд** сўмлик, Кармана туман ободонлаштириш бошқармасида **160 млн** сўмлик “**Қизилтепа туман йўллардан фойдаланиш**” унитар корхонаси **300 млн** сўмлик шартномаларда давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш ҳолатлари аниқланган.

Бешинчидан, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунга

мувофиқ давлат фуқаролик хизматчиси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслиги қайд этилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган “**Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг** намунавий қоидалари”да давлат хизматчиларига **тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган.**

Ўтган йил сентябр ойида Агентлик томонидан ўтказилган ўрганишларда вилоят ва туман-шаҳар ҳокимлиги мансабдор шахсларининг **8 нафари** (5 нафар ҳоким ўринбосари, 2 нафар вилоят ҳокимлиги котибият мудир, 1 нафар ҳисобчи) тадбиркорлик субъектларининг таъсис улуши соҳиби ёки раҳбари эканлиги аниқланган.

Шунингдек, **330 нафар** ҳоким ёрдамчиларидан **74 нафарига** (22,4 фоиз) тегишли бўлган тадбиркорлик субъектлари мавжуд бўлиб, айрим ҳоким ёрдамчилари **7 тагача** тадбиркорлик субъектларининг раҳбари ва таъсисчиси бўлган.

Мазкур ҳоким ёрдамчиларидан **11 нафарига** тегишли (таъсисчи ёки раҳбар) **тадбиркорлик субъектлари** оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида **таъминотчи ташкилот** сифатида **144 нафар** фуқароларга имтиёзли кредитлар бўйича махсулотлар етказиб берган ҳамда уларга банклар томонидан **4 млрд.** сўмдан ортиқ кредит маблағлари ўтказиб берилган.

3 та мансабдор шахсларга тегишли тадбиркорлик субъектлари ўзлари ишловчи ташкилотлар буюртмаси асосидаги **293 млн.** сўмлик **14 та** давлат харидларида иштирок этгани ҳолда қолиб бўлган.

2023 йилда ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар давом этиб келмоқда, масалан **Хатирчи тумани ҳокимининг ўринбосари** (А.Тўрақулов) давлат хизмати билан бир вақтда тадбиркорлик субъектининг таъсисчиси эканлиги маълум бўлди.

Кенгаш томонидан ўтган давр мобайнида танловлар ташкил этиш, ННТлар билан ишлаш каби йўналишларда ҳам ташаббусларни етарли эмас.

Шунингдек, Кенгаш фаолиятини ёритиш масалаларига ҳам етарли эътибор берилмаяпти. Хусусан, 2023 йил давомида бор йўғи **бир марта** матбуот анжумани ташкил этилган.

Кенгашнинг асосий вазифаси Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг (давлат дастурлари, қарор ва фармонлари) амалга оширилиши юзасидан мониторинг ўтказиш ва натижаси тўғрисида Миллий кенгашга ахборот тақдим этиб бориш борасида ҳам Навоий вилоятида 2023 йилда таҳлилий материаллар киритилмаган. Бу борада Коррупцияга қарши курашиш асосий вазифаси ҳисобланган ҳудудий кенгаш аъзолари томонидан фаоллик кўрсатмаган.

Натижада, 2023 йил биринчи ярим йиллик натижаларига кўра Навоий вилояти **49,5** балл билан ўтган йилгидан паст натижа кўрсатди ва ҳудудлар миқёсида **7-ўринни** қайд этди. (2021 йил якунлари Навоий **5-ўрин** (36 балл), 2022 йил 1-ярим йиллик **5 ўрин** (44,4 балл), 2022 йил 2 ярим йиллик, **5-ўринни** (54 балл).

Худудий кенгашнинг бу каби паст балл олишининг сабаблари сифатида кенгаш аъзоларининг барча масъулиятни кенгаш котибига ташлаб қўйгани, уларга тегишли вазифалар бўлиб берилмагани, ҳисоботлар белгиланган талаблар бўйича тақдим этмаслиги каби омилларни келтириб ўтиш мумкинлиги тўғрисида такидлаб ўтди.

Навбатдаги сўз, Навоий вилоятида коррупцияга оид жиноятчилик ҳолати ва унинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш учун кўриляётган профилактик чоралар тўғрисида вилоят прокурори Б.Ахмедовга берилди.

Навоий вилоят прокурори Б.Ахмедов сўзга чиқиб коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга кўмаклашган шахслар белгиланган тартибда рағбатлантириб борилиши, коррупцион жиноятлар оқибатида етказилган 26 млрд. сўмдан ортиқ заралар ундирилиши ҳақида Жумладан;

Коррупцион жиноятлар асосан соғлиқни сақлаш, қурилиш, олий таълим ва ёқилғи - энергетика соҳаларида кўпайган.

Жорий йилнинг ўтган даврида соғлиқни сақлаш тизимида 11 та коррупцион жиноятлар фош этилган.

Тиббиёт ходимлари томонидан асосан ишга киритиш ва ваколатига кирмайдиган бошқа масалаларни ҳал қилиш эвазига фуқаролардан пул талаб қилинган.

Мисол учун, Хатирчи туман тиббиёт бирлашмаси бош ҳисобчиси Шайматов фуқаро Муталовани тиббиёт бирлашмасига ишга киритиш эвазига 500 АҚШ доллари талаб қилиб, ушбу пулларни олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Навбаҳор туман тиббиёт бирлашмаси кадрлар бўлими бошлиғи Мардонов “Дул дул” маҳалласида яшовчи Рўзиевани бирлашмага ишга киритиб қўйишини айтиб, ундан 6 млн. сўм пулларни олган вақтида ушланган.

Соғлиқни сақлаш тизимида бюджет маблағларини талон-торож қилиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Мисол учун, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва “НАУТЕСН” МЧЖ ўртасида тузилган шартномага асосан харид қилинган жами 947 млн. сўмлик тиббий ускуналардан 68 млн. сўмлик сув тозалаш системаси етказиб берилмаган бўлсада, тўлиқ қабул қилиб олинганлиги ҳақида ҳужжатлар тузилиб, бюджет маблағлари талон-торож қилинган.

Жорий йилнинг ўтган даврида қурилиш соҳасида 2,2 млрд. сўмлик бюджет маблағлари талон-торож қилинганлиги аниқланиб, 13 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Қурилиш соҳасида асосан қурувчи ва буюртмачилар ўзаро жиноий тил бириктириб, ҳисоб-фактураларга бажарилмаган ишларни қўшиб ёзиш орқали бюджет маблағлари талон-торож қилинган.

“Таянч Қурилиш Сервис” МЧЖ ва “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси мансабдор шахслари жиноий тил бириктириб, Навбаҳор туманида кўп тармоқли поликлиника биносини қуриш объекти бўйича 156 млн. сўмлик бюджет маблағларини талон-торож қилишган.

Худди шундай, “Karmana Pardoiz Servis” МЧЖ ва “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси мансабдор шахслари томонидан Нурота туманидаги 5-сонли боғча биносини таъмирлаш ишлари бўйича ҳужжатларга, аслида бажарилмаган жами 213 млн. ишлар кўшиб ёзилиб, бюджет маблағлари талон-торож қилинган.

Олий таълим соҳаси асосан ўқишга киритиш, ўқишни кўчириш ва сертификат олиб бериш эвазига моддий манфаатдор бўлиш ҳамда имтиҳон натижаларини сохталаштириш каби жиноятлар содир этилган.

Навоий давлат педагогика институти ўқитувчилари Мавлонова ва Мансуровалар ҳамда ушбу институт талабалари Равшанова ва Ҳамдамовалар ўзаро жиноий тил бириктириб, фуқаро Райимовни Навоий давлат педагогика институтига ўқишга киритиш эвазига 4 000 АҚШ доллари талаб қилиб, шундан 2 000 АҚШ долларини олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган.

Шу каби, фуқаро Салимова Достонованинг ўқишини Тожикистон Республикаси Панжикент шаҳридаги педагогика институтидан Навоий инновациялар институтига кўчириб беришни ваъда қилиб, ундан 10 млн. сўм пулларни олган вақтда қўлга олинган.

Ёки, Навоий давлат педагогика институти касбий (иждодий) имтиҳон комиссияси аъзолари томонидан абитуриент Нормуродованинг югуриш баҳсида олган натижаларини сохталаштирилиб, юқори балл қўйилиши натижасида, у ўқишга тавсия этилган.

Ёқилғи-энергетика соҳаси жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган тезкор тадбирларда 26 млрд. сўмдан ортиқ ёқилғи-энергия ресурслари талон-торож қилинганлиги аниқланган.

Ачинарлиси, истеъмолчилар қаторида электр тармоқлари ва газ идораларининг ходимлари ҳам жиноятга қўл урмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида 3 нафар электр тармоқлари ва 7 нафар газ идораларининг раҳбар ходимлари жиноий жавобгарликка тортилди.

Энергетика соҳасини “коррупциясиз” соҳага айлантириш ҳақида бонг ўрилаётган бир пайтда, айнан комплеанс назорат хизматида муқаддам жиноятга қўл урган шахслар ишлаб келмоқда.

Жумладан, Эгамов “Навоийшаҳаргаз” газ таъминоти бўлимида масъул лавозимда ишлаган вақтда, “Динара Зар Замин” хусусий корхонаси раҳбари билан тил бириктириб, ушбу корхонага тегишли объектларга шартномасиз ва тамға қўймасдан газ ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиб берганлиги оқибатида давлатга 180 млн. сўмлик зарар етказган.

Эгамов эса бугунги кунда “Ҳудудгаз Навоий” газ таъминоти филиалининг комплеанс назорат хизматида етакчи мутахассиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида 24 минг нафарга яқин ходимлар ишлаётган бўлсада, бугунга қадар коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ташкил қилинмаган.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг юқори коррупцион хавфлардан бири бу ишга қабул қилиш, иш ҳажмини (ставка) тақсимлаш масаласидир.

Шунга қарамадан, ишга кирмоқчи бўлган номзодларни ўрганиш, кадрларни танлов асосида қабул қилиш тизими йўлга қўйилмаган.

Жорий йилнинг ўтган даврида “vacancy.argos.uz” сайти орқали бор йўғи 17 та лавозимлар бўйича эълон берилиб, фуқаролар ишга қабул қилинган.

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ташкил қилинмаганлиги оқибатида, ходимлар ўртасида суиистеъмолчилик ва бошқа ноқонуний ҳолатлар аниқланмаган.

Вилоят курилиш ва уй-жой коммунал хўжали бошқармасининг ишонч телефонлари ишламайди.

Бошқармада “коррупцияга қарши курашиш бўйича комплайнс назорати мутахассиси” лавозими ташкил қилинган бўлсада, ушбу лавозимда Пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси юристи А.Ҳайитов ўриндошлик асосида (0,5 ставка) ишлаб келмоқда.

Коррупцион ҳолатларни аниқлаш бўйича идоравий текширишлар ўтказиб борилмаган ва бирорта ноқонуний ҳолатлар аниқланмаган.

Худди шундай, Навоий давлат педагогика институти ва Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университетида ҳам коррупцияга қарши курашиш борасида ишлар етарли ташкил қилинмаганлиги тўғрисида тўхталиб ўтди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти мудир, ҳудудий кенгаш котиби Ж.Ҳамроев маърузаси тингланди.

Ҳудудий кенгаш котиби Ж.Ҳамроев ўз маърузасида Навоий вилояти коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши фаолиятини самарали олиб борилишида қўйидаги йўналишларга эътибор қаратилиб келинганлигини билдирди: Жумладан;

- Вилоятнинг Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашининг ANTIKORRUPSIYA NAVOIY телеграм канали ташкил этилди;

- Бундан ташқари Кенгаш фаолиятини ёритиш мақсадида youtube, телеграм канал, фейсбук, инстаграм саҳифалари ташкил этилган ва ҳар бир қилинган ишлар жойлаштириб борилмоқда;

- Ҳар бир ҳудудий кенгаш аъзосининг аниқ вазифаси белгилаб берилди;

- Ҳудудий кенгаш иш режасида коррупцияни келтириб чиқараётган ҳудудга оид муаммолар қамраб олинди;

- Ҳудудий кенгаш фаолиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ўз вақтида ОАВларда ёритиб борилди;

- Тадбирлар, сўровномалар, мулоқотлар ташкил этилди ва унда ёшлар, ННТлар ҳамда кенг аҳоли вакиллари жалб этилди;

- Коррупцияга қарши курашиш ва ҳалоллик мавзусига оид давра суҳбати, танлов акция ва флешмоблар ташкил этилди;

- Аҳолида коррупцияга нисбатан муросасиз кайфиятни шакллантиришга қаратилган кўргазмали воситалар (ролик, баннер, кўрсатув, фильм в.х.) тайёрланди;

- Худудий кенгаш фаолиятини кенг жамоатчиликка мунтазам етказиб бериш мақсадида матбуот анжуманлари, брифинглар, пресс-турлар ташкил этилди;

- Худудий кенгаш аъзолари томонидан аҳоли ва давлат хизматчилари ўртасида ижтимоий сўровлар ва тадқиқотлар ташкил этилди;

Биргина ёшлар орасида коррупцияга қарши курашиш борасида бир қатор йирик лойиҳа ва тадиблар ўтказилганлиги туўғрисида гапириб ўтди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб, билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни инобатга олган ҳолда, Коррупцияга қарши курашиш вилоят кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг маърусида қайт этилган камчиликлар ва таклифлар раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Кун тартибидаги масалалар юзасидан вилоят прокурори Б.Ахмедов ва коррупцияга қарши курашиш худудий кенгаши котиби Ж.Ҳамроевларнинг хисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.

3. Соҳада коррупциявий ҳолатларнинг юзага келиш сабаблари ва унга имкон яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этмаганлиги ва бу борада белгиланган вазифаларни лозим даражада бажармаганлиги сабали вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Н.Сафоев, Навоий Давлат педагогика институти ректори Б.Собиров ва “Худудгаз Навоий” газ таъминоти филиали директори Н.Ғаффорлар **огоҳлантирилсин.**

3. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати (Д.Наврўзова), вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудир (Ф.Хасанов)га:

бир ҳафта муддатда вилоят ҳокимлигининг очиқлик бўйича фаолиятини яхшилаш ва сарик тоифадан яшил тоифага ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

вилоятда очиқликни таъминлаш бўйича белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан доимий назоратни амалга ошириб бориш топширилсин.

4. Вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудир (Ф.Хасанов)га:

бир ҳафта муддатда туман(шаҳар) ҳокимликлари ҳамда вилоят ташкилотлари ва унинг қуйи тизимларида коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш борасида Давлат раҳбари ва Ҳукумат томонидан қабул қилинган Қонун, Фармон ва қарорлар ижросини таъминланиши ҳамда соҳада коррупциявий ҳолатларнинг юзага келиш сабаблари ва унга имкон яратиб бераётган шарт-шароитларни ўрганиш юзасидан чора-тадбир режасини ишлаб чиқсин:

5. Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаш аъзолари; вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи (Д.Мамаражабов), вилоят телерадиокомпанияси директори(Ғ.Султонов), Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раиси(О.Аслонов) ва “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталари таҳририяти ДУК директори(Б.Умаров)ларга;

хар ойда ҳудудий кенгаш фаолиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида матбуот анжуманлари, брифинглар, очиқ мулоқот, пресс-турлар ташкил қилиб, ўз вақтида ОАВларда ёритиб борилишини таъминласин.

6. Вилоят бошқарма ва ташкилотлари ҳамда шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг интернет тармоғида расмий веб-сайт ташкил этиш ва ташкил этилган веб-сайтга очиқ маълумотлар сифатида эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни эълон қилиб боришни таъминласин.

7. Вилоят ҳокимлиги мурожаатлар билан ишлаш бўлими (Қ.Абдуазизов), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” ДУК (Х.Фармонов)га:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларининг реал вақтдаги ҳолати бўйича веб-сайтда доимий маълумотлар жойлаштирилишини, мурожаатни тўғридан-тўғри веб-сайт ёки унинг мобил версияси орқали юбориш, кўриб чиқиш жараёнини реал вақт режимида кузатиб бориш, кўриб чиқиш натижаларига муносабат билдириш ва баҳолаб борилишини ташкил қилиш топширилсин;

8. Вилоят ҳокимлиги ишлар бошқармаси (С.Шамшиев) хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, тасарруфидаги хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотларни қонунчиликда назарда тутилган тартибда веб-сайтга жойлаштириш чораларини кўрсин.

9. Вилоят иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (Ғ.Бобоқулов) бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлашга оид маълумотларнинг расмий веб-сайтда жойлаштирилишини ҳамда баҳолаш мезонларида кўрсатилган барча вазифаларнинг қонун талаблари асосида бажарилишини таъминласин.

10. Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгаши аъзолари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар ҳамда туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига:

ҳудудий кенгаш фаолиятига доир ўтказиладиган тадбирлар, сўровномалар ва мулоқотларга ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда аҳоли вакиллари кенг жалб этиш;

ҳудудий кенгаш фаолиятини доимий равишда ОАВларда кенг ёритиш;

жорий йил **октябрь-декабр ойларида** бошқарма, ташкилот ва ҳокимликларда коррупцияга қарши курашиш ва ҳалоллик мавзусига оид давра суҳбати, семинар, танлов, акция ва флешмоблар ташкил этиш;

аҳолида коррупцияга нисбатан муросасиз кайфиятни шакллантиришга қаратилган кўргазмали воситалар (ролик, баннер, флаер, кўрсатув, фильм) тайёрланиб, аҳоли гавжум бўлган жойларда қўйилиши ва ОАВларда ёритилишини таъминлаш;

ўзларига бириктирилган туманлар ва шаҳарларда коррупциянинг олдини олиш бўйича вазифалар ижросини назорат қилиб, ҳудудларда коррупцияга қарши курашиш йўналишида тарғибот тадбирларини олиб бориш топширилсин.

11. Вилоят прокуратураси (Б.Ахмедов), вилоят ички ишлар бошқармаси (А.Тасбаев) ҳудудларда коррупцион жиноятларни таҳлил қилиш ва жиноятлар кўпайган соҳалар кесимида чора-тадбирлар белгилаб бориш мақсадида, коррупция билан боғлиқ жиноятлар таҳлилини **ҳар ойда** ҳудудий кенгашга тақдим этиб борилишини таъминласин.

12. Вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудири (Ф.Хасанов)га:

вилоят, туман(шаҳар) ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини рейтинг баҳолаш мезонлари тўлиқ бажарилишини таъминласин.

вилоят бошқарма ва ташкилотлари ҳамда туман(шаҳар) ҳокимларида коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини амалга ошириш жараёнини ўрганиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, керакли кўрсатма ва тушунтириш ишларини мунтазам олиб борилиши таъминлансин.

13. Вилоят ҳокими ўринбосари Б.Бобомуродов, вилоят прокуратураси (Б.Ахмедов), вилоят давлат молиявий назорат бошқармаси (О.Раббимов), вилоят қурилиш бош бошқармаси (А.Ниёзов), қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси (З.Ботиров), туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига:

қурилиш лойиҳалари доирасида танлов (тендер)лар шаффоф ўтказилишини, қурилиш-пудрат ишларининг сифатли бажарилиши ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини назорат қилиш;

лойиҳалар уларнинг ташаббускорлари (буюртмачилар) томонидан ўз вақтида молиялаштирилиши, бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан тизимли назоратни амалга ошириш;

молиялаштириш манбаи аниқ бўлмаган лойиҳалар бўйича харажатлар амалга оширилиши ва (ёки) ишлар бажарилишига, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қурилиш-монтаж ишлари параллел равишда олиб борилишига, пудратчи (лойиҳачи) ташкилотларнинг танлов (тендер) ўтказмасдан танлаб олинишига йўл қўймаслик устидан қатъий назорат ўрнатиш;

лойиҳаларни танлаб олиш, уларни амалга ошириш ва ишга тушириш жараёнларининг барча босқичида манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг олдини олиш ва уни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш;

лойиҳалар доирасида харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нархларини таҳлил қилиш, уларни асоссиз равишда оширишга ва тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига ўзбошимчалик билан ўзгартиришлар киритишга йўл қўймаслик чоралари кўриш;

Давлат дастурлари доирасида ажратиладиган имтиёзли кредитларнинг мақсадли ишлатилиши ҳамда лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан, жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда, назорат тадбирлари ташкил этиш;

назорат тадбирлари доирасида аниқланадиган қонун бузилиши ҳолатларини ва уларнинг келиб чиқишига имкон берувчи омилларни бартараф этиш чоралари кўриш;

Давлат дастурларини молиялаштиришга ажратиладиган маблағларнинг ҳар бир лойиҳа кесимида мақсадли сарфланишини таъминлаш ва улар талон-торож қилинишининг олдини олиш бўйича тизимли назорат тадбирларини ўтказиб бориш топширилсин.

14. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг вилояти ҳудудий бошқармаси (А.Мухаммадиев)га,

вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ҳисобот даврида тузилган хўжалик шартномаларида контрагентларни текшириш,

ташкилот буюртмачилигида "etender.uzex.uz" махсус ахборот порталига жойлаштирилган эълонлар бўйича давлат харидига оид ҳужжат ва маълумотлар ўрганиб бориш.

15. Мазкур баённинг бажарилишини назорат қилиш коррупцияга қарши курашиш вилоят кенгаши котиби **Ж.Ҳамроев** ҳамда вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудири **Ф.Хасановлар** зиммасига юклансин.

Баённома юритувчи



Ф.Хасанов